М. НАИМОВ

# «ЎЗБЕК МУСИҚА ТАРИХИ» ВА «МУСИҚА НАЗАРИЯСИ» ФАНЛАРИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2008

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

# «ЎЗБЕК МУСИҚА ТАРИХИ» ва «МУСИҚА НАЗАРИЯСИ» ФАНЛАРИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

(МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМА)

ТОШКЕНТ – 2008

Ушбу услубий кўрсатма Термиз Давлат Университетининг илмий кенгаши томонидан 2008 йил 20 мартда нашрга тавсия этилган.

№8 Баённома

Тузувчи: Музаффар Наимов – Термиз Давлат Университети «Мусиқа таълими» кафедрасининг ўқитувчиси

Масъул муҳаррир: Рустамбек Абдуллаев – Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Шафоат Раҳматуллаев- Термиз Давлат Университети «Мусиқа таълими» кафедраси мудири, доцент.
Норкўчқор Тўраназаров- Термиз Давлат Университети «Мусиқа таълими» кафедраси катта ўқитувчиси.
Ойбек Охунов- Термиз санъат коллежи ўқитувчиси.

Ушбу услубий кўрсатма «Ўзбек мусиқа тарихи» ва «Мусиқа назарияси» фанлари асосида тузилган бўлиб, талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билим ва кўникмаларини янада чуқурроқ эгаллаб ўзлаштириши учун сабоқ бўлади.

Мазкур услубий кўрсатма нафақат Университетларнинг мусиқа факультети, балки санъат, педагогика коллежларининг мусиқа бўлими ўқитувчи, талабалари ва мусиқа санъати тарихи билан қизиқувчилар учун ҳам мўлжалланган.

**© Термиз Давлат Университети**



## Тушунтириш хати

Шиддат билан ўтаётган компьютер ва техника асри таълим-тарбия, илм-фан йўналишларида ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказди десак муболаға бўлмас. Чунки «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳам таълимни тубдан ислоҳ қилиш, олдинги мафкуралардан холис бўлиш, миллий қадриятларимизни тиклаш ҳамда тарғибот этиш, миллий мусиқа маданиятимизнинг ривожланишига асос бўла оладиган барча илмий услубий хулосалардан унумли фойдаланиш ва талабаларнинг камолот сари йўналтиришда баҳоли қудрат дастури амал яратишдан иборат.

Ушбу услубий кўрсатма «Ўзбек мусиқа тарихи» ва «Мусиқа назарияси» фанларидан тузилган бўлиб, халқ ижодиёти, фольклор мусиқаси, ўзбек мусиқа намоёндалари, назариётчилари, ўзбек классик мусиқаси ва мусиқа элементлари назариясининг турли қирраларини ёритиш каби маълумотлар ўрин олган. Ушбу услубий кўрсатма талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини янада чуқур ўзлаштиришларига манбъа бўлиб хизмат қилади. «Ўзбек мусиқа тарихи» ва «Мусиқа назарияси» фанларидан тузилган ушбу услубий

кўрсатма тест саволлари мисолида тузилган бўлиб, талабалар билимининг сифат кўрсаткичларини ҳаққоний ва адолатли баллар билан баҳолаш имкониятини яратади. Бундан ташқари талабаларнинг йил давомида олган билимларини маҳсулини назоратга олиш ва уларни ўз устида фаол ишлашларини таъминлайди. Рейтинг назорат тизими ўқув режаси бўйича ҳар бир фан юзасидан сифат кўрсаткичларини баллар билан баҳолаш ва аниқ хулосалар қилишга шароит яратади.

Ушбу тест саволлари орқали талабаларнинг маданий савиясини оширишда қўшимча таълим вазифаси сифатида фойдаланилади.



## 1 – САВОЛ

“Мақом” сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?

А) Форс тилидан “отлиқ”
В) Турк тилидан “бошлаш”
С) Араб тилидан “ўрин, жой”, “парда”.
Д) Уйғур тилидан “чўққи”
Е) Озарбайжон тилидан “оралиқ”

## 2 – САВОЛ

“Уфор” – нима?

А) Чолғу бўлими
В) Ашула бўлими
С) Рақс оҳангидаги қўшиқлар
Д) Рақс
Е) Қўшиқ

## 3 – САВОЛ

Ўрта аср “Шарқ Арастуси” номини олган буюк мусиқа билимдони ким?

А) Ибн Сино
В) Абдураҳмон Жомий
С) Абу Наср Форобий
Д) Ар – Розий
Е) Алишер Навоий

## 4 – САВОЛ

Жўрсиз ижро этиладиган хор асари қандай номланади?

А) Аккомпанемент

В) А капелла
С) Дуэт
Д) Ария
Е) Квартет

5 – САВОЛ

Зебунисо ғазали билан айтиладиган "Самарқанд ушшоғи" қайси ҳофиз томонидан яратилган?

А) Ҳожихон Болтаев
В) Ҳожи Абдулазиз Расулов
С) Фаттоҳхон Мамадалиев
Д) Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов
Е) Халим Ибодов

6 – САВОЛ

«Майсаранинг иши» кинофильмидаги қўшиқларни ижро этган хонанда ким?

А) Ботир Зокиров
В) Козим Қаюмов
С) Фарух Зокиров
Д) Мансур Тошматов
Е) Жавохир Зокиров

7 – САВОЛ

Биринчи "Қаҳрамонлик симфонияси"ни яратган композитор номини аниқланг.

А) Алексей Козловский
В) Мирсодиқ Тожиев
С) Икром Акбаров
Д) Толибжон Содиқов
Е) Мухтор Ашрафий



8 – САВОЛ

Тошкентда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри нечанчи йилда тузилган?

А) 1939 йилда.
В) 1940 йилда.
С) 1950 йилда.
Д) 1936 йилда.
Е) 1935 йилда.

9 – САВОЛ

Бухорода бир неча хонандалар ва рақкосалар томонидан ижро этиладиган кўп қисмли ўйин – айтим туркуми қандай номланади?

А) Уфор
В) Мавриги
С) Беш-қарсак
Д) Занг
Е) Қайроқ

10 – САВОЛ

Машҳур ҳофиз ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Расулов нечанчи йил, қайси шаҳарда таваллуд топган?

А) 1850 йил Тошкентда
В) 1851 йил Бухорода
С) 1852 йил Самарқандда
Д) 1853 йил Хоразмда
Е) 1854 йил Фарғонада